

ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



## Навойнинг ваҳдат тушунчаси ва пантеизм



Шарк мумтоз шеърияти, аслини олганда, тавхид, яъни бирликка асосланган шеъриятдир. Диний, тасаввуфий ва фалсафий фикр-карашлар ифодасида бу шеърият тавхид ту-шунчасидан ҳеч четлашмаган. Мумтоз шоирларнинг ишк ва ирфон йўлидаги завк-шавки ҳам охир-окибатда тавхид ёхуд ваҳдат идеалини ифодалайди. Аммо тавхид сир-асрорини сўз билан баён этиб бўлмаганидек, ваҳдат мохиятини изохлашга уриниш ҳам бефойдадир. Бу ҳақда Навоий бир ўринда:

Нуктаи тавхидни билган кила олмас баён,  
Ким баён килдим деса, билгилки, килмайдур билиб,  
-деса, бошка бир ўринда:  
Сирри вахдат нуктасидур бас дакик, эй порсо,  
Май куёши ламъаси бирла магар топкай вузух, -

("Наводир уш-шабоб" 106-газал) дейди. Навойнинг тушунтириши бўйича, тавхид ва вахдат холининг камоли илохий майдан коникишдирки, унинг энг содда ва безаксиз "кадах"и кўнгилдир:

Кўнгул вахдат майининг жоми эрмиш,  
Бу согар сода яхши, йўк мунаккаш.  
("Наводир уш-шабоб", 255-газал)

Ирфон ахлига кўра, хар кишининг вахдат ёки тавхид хақидаги фикр-караши унинг истеъдоди ва қобилияти даражасида бўлади. Масалан, авом дунёга қарайди, бироқ айтарли ҳамма нарсани маънидан холи фақат суврат холида кўради. Хавос (хос кишилар) маъни ва шаклга бирликда қарайди. Ошиқ эса яна ҳам юксалиб, мохиятига нигоҳ ташлайди.

Фақат шакл яъни сувратни кўришдан нари ўтолмайдиган кимсалар "хайвони нотика" даражасида қолади. Маъно ва сувратни вобасталикда кўра олгувчилар инсон мартабасига юксалади. Моҳиятни кўриб, ёлғиз уни мушоҳада этувчилар раббонийлик мақомига кўтарилади. Мавжуд борлик ва нарсаларнинг шаклига қарашдан ўзгасига қучи етмайдиганлар ҳеч нимани аниқ ва чуқур билишолмайди. Шу боисдан бу тоифа на ҳаёт, на охира тасувида тайинли фикр айтишга қодир эмас. Хуллас, олам ва одам, халқ ва холик бирлигидан сўз юритувчилар ботин билан зохирни, маъно билан сувратни теппа-тенг кўра билган зотлардир. Шуларнинг маслақ ва тажрибаларига таяниб айтиладиган бўлса, инсон ақли аслида Вахдатга ошиқдир. Яширин бир овоз гўёки инсон кўнглига "Вахдат", яъни "Бирлик ақл ва ашёнинг энг олий қонунидир", дея шивирлаб туради. Чунки азалда бутун қоинот, ашё ва инсон Тангри "зоти"да бирликда бўлгани сингари, абадда ҳам қасрат (қўплик, мосиво) олами барҳам топиб, ҳамма нарса яна Оллоҳ билан бирлашиб кетади. Асос эътибори ила "қасрат"да вахдатни кўрган, "нишон"дан "бенишон"га йўл олиб, кўнгил ичидаги "Султон"ни қашф қилган шоирлар худди шундай Бирлик холи ва орзусидан ҳам баҳс юритишган. Ушбу мулоҳазаларнинг энг ёрқин тасдиғи ва далили Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонидаги:

Бир бўлу бир кўру бир де, бир тила, Майл қилма мунда иккилик била, -  
деган чорлов сўзларидир. "Зеро, бунда "вахдат" - бирлик холига эришган кишининг кўзи "Бир"ни кўриши, қулоғи "Бир"ни эшитиши, тили "Бир"ни сўзлаши, қалби "Бир"ни тилаши ифодаланган" (Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини. Тошкент, 2010. 89-бет).

Навоийнинг нуктаи назарида, бундай бирлик холига етишиш шоир томонидан ишк ахли орасига олиб кирилган "янги расм"дир:

Бир кўрмагу ўлмак била, эй хаста Навоий,  
Ишк ахли орасинда янги расм кюрдинг.

Лекин бу "янги расм"ни кайсидир шайх ё дин арбобидан эмас, балки харобот пиридан ўрганмок жоиз:

Асрори вахдат иста харобот пиридин  
Ким, шайх ваъзу панди фусуну фасонадур.  
(Ўша девон, 186-газал).

Шўро даври адабиётшунослиги учун хос бўлган бир "усул" Навоий шеъриятдан ўзларининг максадларига мувофик келадиган шеър ва байтларни олиб, мутафаккир шоирнинг дунёкараши, диний-фалсафий тушунчаларини акс эттирадиганларини кўриб-кўрмаганга солиш бўлган. Вахоланки, Навоий жуда кўп газал ва байтларида тавхид ҳамда вахдатдан сўз юритган. Бу ҳам мутлако табиийдир. Ахмад Форуки Сирхиндий - Имоми Раббонийнинг айтишича, Хак ошикларига сайри сулук пайтида тавхид икки тарзда зухур айлайди:

1. Тавхиди вужудий (вахдати вужуд). Бу мартабада солик "борликни бир дея билади" ва шунга катъиян ишонади. Оллохдан бошқасини йўқ деб билиб, тажаллий-ларни ҳам хаёл сифатида кабул қилади.
2. Тавхиди шухудий (вахдати шухуд). Бу мартабада солик "борликни бир" тарзида кўради, аммо Оллох борлигини кўриб, бошқа борликлар мавжудлигини ҳам инкор этмайди ( Имоми Раббоний. Мактубот. I жилд. Истанбул (санасиз). 347-бет.).

Илмий адабиётларда очик-ойдин эътироф қилинганидек, Навоийга кучли кизикиш уйготган таълимот вахдати вужуд эди. Бунга биринчи сабаб тасаввуфий тушунчанинг кенг тарқалиши ва умуминсоний шон-шухратга эриштирган жихатлардан бири вахдати вужуд деб қаралгани ҳамда тасаввуфнинг туб мазмун-мохияти вахдати вужудда дея англани бўлса, иккинчи бир сабаб Навоий мансуб накшбандийлик тарикатининг йирик вакиллари, жумладан, Абдурахмон Жомийнинг Ибн Арабий асарларига фавқулодда

эътиборидир.

"Жомий ва Навоий ижодида, - дейди профессор А.Абдукодиров, - Ибн Арабий таълимоти маъкулланган ва изчил ривожлантирилганлиги сабабли улар талкинидаги вахдати вужуд зохирий ва ботиний мазмунга эга бўлди. Чунончи, унда зохиран хамма Унда тарзидаги исломий фикр олга сурилса-да, ботинан хамма Удир сифатида Оллох ва оламнинг, бошқача айтганда, Хак ва халқнинг бирлиги, яхлит бир бутунлиги исбот этиларди" (Абдукодиров А. Навоий ва вахдатул-вужуд таълимоти. Хўжанд, 1995. 13-бет.).

Шу ўринда "вужуд" сўзини изохдаш зарурга ўхшайди. Вахдат ахли ушбу калима оркали бутун борликларни юзага чиқарган ва унинг билан койим бўлган хакикатни назарда тутиб шундай дейишган: Вужуд (борлик) бирдир. У тааддуд - ажралиш, тажаззи - парчаланиш, инкисом - бўлинишни қабул қилмайди. Вужуд (борлик)нинг ҳукм ва тасарруфи бутун коинотга нуфуз айлаб, таъсир ўтказувчидир. Дунёда нима мавжуд бўлса, барчаси унга тобедир, унга боглик ва унинг билан оёқда туради. Хуллас, вахдат сохиблари вужуд деганда зоти улухиятни англаб, Хак учун мазкур сўзнинг бир сифат бўлишини хакикий эмас, мажозий ва шартли деб билишган.

Шу мохиятни назарда тутиб Навоий ёзади:

Сафҳаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,  
Софийи вахдатка хошоки хавотир котма кўп.  
("Наводир ун-нихоя", 80-газал)

Вахдат софлиги - ишқдаги поклик демак. Ишқ вахдат холини қувватлантирганидек, вахдат ҳам хакикий ишққа канот багишлайди.

Маълумки, сўфий ва мутасаввифлар коинотнинг яратилишини Ишқ билан богликликда шархлашган. Чунончи: Оллох "Вужуди мутлак" - мутлак гўзаллик, "хайри мутлак" - мутлак яхшилик ва химмат сохиби ҳам Оллохдир. Ҳеч қандай макон ва замон пайдо бўлмасдан, ишқ ҳамда жабарут оламида Оллох ёлғизлик (тоқлик) да яшарди. Табиийки, Унга қарайдиган бир кўз, важдга келадиган бир кўнгил керак эди. Чунки гўзалликнинг дастлабки ва асосий бир сифати ўзини намоён айлашдир. Тасаввуф ахлининг "Ман яширин хазина эдим, кўринишни истадим", ҳадисини худди шу мазмунда изохлашлари ўша ишончдан тугилган. Хуллас, Оллох ўзининг гўзаллигини намоён айлашни хоҳлайди. Хўш, бу тажалли қандай тарзда воқе бўлган экан? Хар бир нарса унинг зидди билан аниқ-тиник англашилиши аён. Вужуд, яъни борликнинг зидди йўқлик - адам; хусн ва гўзалликнинг акси хунуқлик ва чиркинлик; хайрнинг тесқариси эса шаръ - ёмонлик. Аммо буларнинг бирортаси ҳам хакикий бир борлик эмас, балки тасаввуфда айтилган бир ваҳм, хаёлий кўлкалардир. Кўриниш, тажалли этмок учун улар маълум замон оралигида юзага чиқишган ҳамда тажалли шакли қуйидагича бўлган: Адам - йўқлик, вужуд - борлик билан қаршилашгач, борлик бир ойнада аксланганидек, бошқасида бир соя ва хаёл қаби кўринади. Ҳам вужуддан, ҳам адамдан улуши бўлган бу хаёлга "вужуди мумкин" дейилганки, "ходисалар олами" шудир. Кўз билан кўрадиганимиз "кўлка борлик" ҳам худди шу. Навоий дунёқарашининг ўзак нуктасини ташкил этган ана шу фикр-қараш шўро

даври навойшунослигида бутунлай бошқача талкин килинган.

Дарвоқе, вахдати вужуд таълимотининг ўзига хос мураккаб ва зиддиятли томонлари бўлганки, бундан ҳам кўз юмиб бўлмади. Бирок унинг шубҳа ва эътироз тугдирмайдиган асосий хақиқати пайгамбарлар ҳамда уларнинг вориси бўлмиш валиларнинг китоб ва суннатга асосланган муқошафаларининг махсули эканлигидир. Вахдати вужуд маслагига "бирлик" илм ва ишқдир. Ҳақ ошиги хақиқий борликнинг бир тана экани, унинг ҳам Ҳақ ва Ҳақ тажаллиларидан иборатлиги, Оллохдан ташқарида ҳеч бир нарсанинг чинакам бир вужуди йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Вахдати вужуд маънавий юксалиш, рухий тажриба билан эришилиши боис қалбнинг маънавий сайри пайтида майдонга келади. Қалбда севги ва ишқ қанот ёзғач, мосиводан у тозаланиб, Ҳақнинг асмо, сифот ва нурларига ойна бўлади. "Оламда яққаю ягона хақиқий вужуд Оллохдир. Ашё ва қоинот Унинг исми, феъл, сифатларининг турли хилдаги тажаллисидан иборат эрур", деган хулосага келинади. Имом Раббонийга кўра, вахдати вужуд тушунчаси сакр (маънавий сархушлик) ва муҳаббатнинг зўрлигидан тугилган" (Имоми Раббоний. Кўрсатилган асар. 290-бет).

Вахдати вужуд таълимотига тўхталганда, уни қабул қилган ва ёқлаганлар қатори унга қескин қарши чиқиб, уни тубдан инқор қилишга уринганлар ҳам кўп бўлганлигини унутмаслик зарур.

Шулардан бири ва энг мурасасизи Ибн Таймия эди. Бу маслакни у Исломининг тавҳид тушунчасига бутунлай тесқари деб билди (Қаранг: Тиблавий М.С. Ибн Таймияда тасаввуф. Истанбул, 1989. 109 - 112-бетлар). Ибн Таймияга ниҳоятда таҳликали туюлган жиҳат вахдати вужуднинг яхши-ёмон, хайр-шарни ажратишга изн бермаслиги эди.

Чиндан ҳам вахдати вужудчиликда оламда ёмонлик, қирқинлик, душманлик деган нарсалар йўқ. Зеро, буларнинг барчаси мутлак вужудга ҳеч алоқасиз, инсоннинг нафсу хавосидан пайдо бўладиган бир сояга ўхшаш мавжудликлар, янада аниқроғи, мосиво ва қасрат қўлкаларидир.

Вахдати шухуд назариясининг асосчиси Имоми Раббонийга эса вахдати вужуд жуда тор бир йўл бўлиб кўринган. Мақтубларидан бирида у ўз давридаги сўфийлардан ақсарияти вахдати вужудчи бўлганлиги, аммо улардан асосий қисми қашф йўли билан эмас, балки ё тақлид ёхуд қуруқ ўрганиш ёхуд зиндиклик ва мулҳидлик орқали ушбу тушунчани қабул қилиб, шариатга юзаки муносабатда бўлишганлигини сўзлаган. "Улар (яъни муқаллид ва йўлдан озган сўфийлар -И.Х.) бу ҳоллари ила, - дейди Имоми Раббоний, - ҳар нарсани Ҳақдан кўрарлар, ҳатто ҳар мавжудликни Ҳақ ўрнида тасаввур этарлар. Бу хийла ила улар ўзларини Ислождан йироқлаштирмишлар..." (Имоми Раббоний. Ўша асар, 153-бет). Ислождан четлаштирадиган ёки муқаллиднинг зиёнига ишлайдиган ҳар бир ҳаракат ва тушунча қарғилик олим ҳамда ижодқорларнинг ақсарияти томонидан қўллаб-қувватланган. Тақлид ё зиндиклик юзасидан вахдати вужуд даъвосида бўлган сўфийларнинг, айниқса, "ҳар мавжудликда Ҳақни кўришлари" пантеизмнинг "ҳар нарса Оллохдир" деган ақидасига мувофиқ келарди. Қарғилик пантеизмининг асосчиларидан бўлган XVII аср материалисти Спинозанинг қаноати бўйича, Оллох ва олам айни мавжудлик эканлигидан олам агар йўқликка юз тутса, Оллох ҳам йўқолмоғи лозим. Қолбуки, мутасаввиқлар наздида олам Ҳақнинг вужудида зохир, бирок ҳар он, ҳар лаҳза янгилашиш ва ўзгаришга учрайдиган қоний, йўқ бўлувчи сувратлардан иборат. Булар Унинг асмо ва сифатларининг мазҳарлари бўлса-да, зот эътибори билан Оллох улардан муқтадний эрур. Олам йўқ бўлса ҳам, зотий сифати ила Ҳақ яна боқий қолади. Энди масаланинг биз учун асосий жойини сўзласак. Шарқнинг энг буюқ ижодқорларини

пантеист дейиш Овруподан бошланган ва собик шўро жумхуриятларидаги таникли олим, шоир, ёзувчилар томонидан айтарли бир тарзда такрорланиб, давом эттирилган. Бу холни бизда хатто бугун ҳам кузатиш мумкин ва бунга мисол ҳам жуда кўпдир. Шу маънода "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида босилган бир мақолага эътиборни қаратмоқчимиз.

Мазкур мақола улкан шаркшунос Е.Э.Бертельснинг бундан ярим аср муқаддам ёзилган бир мақоласи талқинига бағишланган бўлишига қарамай, унда академик Ойбек, хусусан, В.И.Зоҳидов тадқиқотларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Буюк адибимиз Ойбекнинг "Навоий дунёқараши масаласига доир" номли мақоласини назарда тутиб, муаллиф ёзади: "Ушбу мақолада навоийшуносликда илк маротаба шоир фалсафий қарашларининг асосини пантеизм ташкил этади, деган фикр изчил илгари сурилади ва кейинчалик академик В.И.Зоҳидов томонидан кенг қўламда ривожлантирилади" (Эшонбобоев А. Е.Э.Бертельснинг "Алишер Навоий дунёқарашига доир" мақоласи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. №3. 29-бет).

Тўғри, Навоийни биринчи бўлиб пантеистлар сафига қўшган устод Ойбек эди ва у юқорида номи айтилган мақоласида Навоийнинг фалсафий фикр-қарашларини Спинозаники билан қиёслаб орадаги ўхшашлик ва фарқларни қайд этгач, пролетар дохийларидан бирининг таълимотига таяниб шундай хулоса чиқаради: "Ф.Энгельснинг "Идеалистларнинг системалари рух ва материянинг қарама-қаршилигини пантеистик равишда қелиштиришга тиришиб, борган сари қўпроқ материалистик мазмун билан тўлдирганлар", деган сўзлари Навоийнинг фалсафий позициясига ҳам татбиқ қилиниши мумкин" (Ойбек. МАТ. XIII том. Тошкент, 1979. 206-бет.).

Ўшанда шундай дейиш эҳтимол зарур бўлгандир. Балки шунақа хулоса Навоий ва навоийшунослик фойдасига хизмат қилишига ишонилгандир. Нима бўлмасин, Навоий ижодиёти зиёнига Ойбек атайин битта ҳам сўз айтмаган. Лекин адибнинг Навоий "фалсафий қарашларининг асосини пантеизм ташкил этади", деган ҳукми туб моҳиятда умуман тўғри бўлмаган.

Ҳақ ўз-ўзидан В.Зоҳидов тадқиқотларига бориб такалаётир. Улардан бири ҳақида А.Эшонбобоев мақоласида ўқиймиз: "Мир идей и образов Алишера Навои" китоби 1961 йили нашр этилди ва республикамиз ҳамда собик Иттифок илмий доиралари томонидан илиқ қутиб олинди. Тожик файласуфи Мусо Ражабов "А. Джами ва таджикская философия XV века" тадқиқотида ўзбек олими монографияси хусусида ижобий фикр билдирган. Шунингдек, озар олимаси Зумрад Гулизода кизи хуруфийлик ва Косим Анворга оид монографияларида кўп ўринларда В.И.Зоҳидов китобидан иқтибос қилтиради ҳамда олимни шоир дунёқарашининг асосий нуқталарини тўғри ёритган, деб ҳисоблайди" (Эшонбобоев А. Қўрсатилган мақола).

Бу фикр ва маълумотлар ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёзилганда ҳам бошқа ҳақ эди. Чунки Шарқ алломалари ва мумтоз шоирлари ижодиётини марксизм-ленинизм таълимотига таяниб ўрганиш ва баҳолашга ҳали муносабат ҳолис бир изга тушмаганди. Айтмоқчимизки, ягона сиёсий маслаққа суяниб, илм-фанни умумий битта мақсадга йўналтирган тадқиқотчиларнинг В.Зоҳидов асарларини қўллаб-қувватлаши ва уларни мақташи ҳам табиий ҳолдир. Масалан, Мусо Ражабов Жалолиддин Румий, Махмуд Шабустарий, Абдурахмон Жомий катори Алишер Навоийни ҳам улкан пантеист деб баҳолаган экан, бунинг асло ажабланадиган жойи йўқ (Раджабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. Душанбе, 1968. С. 119.).

Академик В.Зоҳидовнинг тадқиқотларида ўрганса, ибрат олса арзийдиган фазилат ва

ўринлар бор. Фақат шуларни аниқ билиб, илмий аҳамиятини холис белгилаб, сўнг гапириш керак.

Канчалик аччиқ бўлмасин, В.Зоҳидовнинг мақолалари ва Навоий ҳақидаги рус ҳамда ўзбек тилида босилган китобларида улуғ шоир дунёқарашининг бош нуқталари тўғри ёритилмаганини бугун айтиш ва сабабларини очиш лозим. Мухтарам олимнинг "Накшбанд пантеизм, идеалистик монизм позициясида турган" "Навоий ўзининг муайян маънодаги реалистик пантеизмини ишга солиш, ривожлантирди" "Навоий билан сўфизм орасида асосан биргина (аниқ билиб, илмий аҳамиятини холис белгилаб, сўнг гапириш керак. Канчалик аччиқ бўлмасин, В.Зоҳидовнинг мақолалари ва Навоий ҳақидаги рус ҳамда ўзбек тилида босилган китобларида улуғ шоир дунёқарашининг бош нуқталари тўғри ёритилмаганини бугун айтиш ва сабабларини очиш лозим. Мухтарам олимнинг "Накшбанд пантеизм, идеалистик монизм позициясида турган" "Навоий ўзининг муайян маънодаги реалистик пантеизмини ишга солиш, ривожлантирди" "Навоий билан сўфизм орасида асосан биргина масалада умумийлик бордир. У ҳам бўлса ваҳдати вужуд пантеизмидир" ( Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг калби. Тошкент, 1970. 340, 37) каби хулосаларини қўллаб-қувватлаш тарихий ва ирфоний ҳақиқатга зиддир.

Ҳеч қанақа хато ё чалғитиш илм-фанда ўз-ўзидан пайдо бўла қолмайди - улардан қўпчилигининг "ижодкор"лари, муҳофиз ва баъзан ашаддий тарғиботчилари бўлади. Шунинг учун "асосчи"ни унутиб, давомчиларни танқид қилиш ё айблаш инсофга мувофиқ қолмайди.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ваҳдати вужуд билан пантеизм орасидаги алоқа хусусида, ҳатто, ислом олимлари қарама-қарши фикр-мулоҳазаларни илғари суришган. Бироқ ваҳдати вужуднинг пантеизмдан бутунлай фарқлигини аниқ далиллар билан исботлаган тадқиқотчилар ҳам бўлган. Шулардан бири "Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий" номли нихоятда мазмундор бир китобнинг муаллифи Исмоил Эртугрулдир.

Аҳмад Авни Қўнукка кўра эса, ваҳдати вужудни пантеизм билан қориштириш ҳатосининг сабабқори шарқшунослар бўлган. Шундай шарқшунослар ва уларнинг Туркиядаги из-дошларига кескин муносабат билдириб, Ҳамдий Ёзар мана нима дейди: "Айрим жохил ва мулҳидлар, пантеизм, иттиҳод ва ҳулул назариясини ваҳдати вужуд дея таърифлаб, "Ло илоҳа илло ҳу" дейиш, "Ло мавжуда илло ҳу" демак эканини айтиб, буни "Ҳар мавжуд Удир" мазмунида шарҳлайдилар. Ҳар нарсанинг моворасида Оллоҳни қўриш ўрнида, ҳар мавжудликни Оллоҳ ўларок қўришни истарлар..." (Ҳамдий Ё. Ҳақ дини Куръон тили. 1-жилд. Истанбул, 1971. 576 - 577-бетлар.)

Ваҳдати вужуд "фанофиллоҳ" аталмиш ҳолнинг воқе бўлишидан майдонга қелган бир "илми шухуд" - мушоҳада илми. Пантеистларнинг илми эса жисмоний туйғулар ила суфлий оламдан олган билимларини далил ўрнида қабул айлаб, борликнинг бирлигини ҳис қилишдан иборатдир (Исмоил Ф.Э. Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул, 1991. 65 - 75-бетлар.).

Бас, шундоқ экан, пантеизмни ваҳдати вужуд билан айна ҳодиса деб баҳолаш қачон ва қайси шарқшунослар томонидан бошланган?

Шуни ҳам инобатга олиш жоизки, пантеистик фикр-қарашларнинг у ёки бу унсур, белги ва қўринишлари Чин, Хиндистон, Эрон, Юнонистон каби ўлкаларда жуда қадим даврлардаёқ мавжуд бўлган. Шу маънода олим ва тадқиқотчилар тўрт турли пантеизм бўлганлигини эътироф этишган (Қаранг: Фарид Ком. Ваҳдати вужуд ва пантеизм // "Ибн Арабийда Борлик тушунчаси". Истанбул, 1992.19-бет).

Ваҳдати вужуд улардан бирортасига ҳам мувофиқ қолмайди. Тасаввуф ахлининг

"тавхид" таълимоти Куръони каримдаги "Аласту бироббикум" - "Мен Сизларнинг Раббингиз эмасми", сўровига асосланади. Уларга кўра, инсон ва умуман башариятнинг бутун ҳаёти ана ўша илохий аҳдни бажо айлаш ва "азалий ватан"га қайтиш ходисасидан иборат. Ваҳднинг охирги босқичи "камол ва нихоя" ҳам мана шудир. Бу тўғрида Навоий газалларида марок билан гапиради:

Мени усрук кўрубон жомим ушатма, эй шайх  
Ким, бу янглиг мени маст этган эрур жоми аласт.

Ёки:

Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад  
Ким, азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.  
("Гаройиб ус-сигар", 88-77-газаллар)

"Жоми аласт"дан сипкорилган ваҳдат майи ошиқ ё орифни канчалик маст ва беҳуш айламасин, ваҳдати вужуд таълимотидан баҳс юритишнинг икки йўли бор деб белгиланган. Биринчиси, фикр ва назар йўли. Иккинчиси, завк ва шухуд йўли. Биринчи йўл кўпчилик мутафаккирга очик бўлган. Завк ва шухуд йўли эса фақат ўзига хос усул билан маърифат мартабаларини босиб ўтиб, ўша файзга мазхар бўла олган зотларга мансубдир. Зеро, ҳар ким ҳам ишқдан ё ошиқ холидан баҳс юритиши мумкин. Бирок ишқ дарди ва лаззатини ёлғиз чин ошиқларгина кўнгилдан кечириб, теран англашга кодирдир. Шунинг ҳам эътироф этиш жоизки, Гарб тадқиқотчилари орасида кўнгли илохий ишқ оловида ёнган шарқлик ошиқ холи ва дард-аламларини тўғри тушуниб фикр юритган айрим тадқиқотчилар пантеизмдан ваҳдати вужуднинг кескин фарқланишига ҳам диққатни қаратишган. Масалан, инглиз олими Е.Х.Уинфильд 1880 йилда Махмуд Шабустарийнинг машҳур "Гулшани роз" асари таржимаси нашрига ёзган сўзбошида ислом ва христиан мистицизмида ҳам пантеистик тамойиллар мавжудлигига қарамасдан, уларга асло бир нуқтаи назар билан ёндашмаслик зарурлигини ҳам таъкидлаган экан (Азимов К.А. Азербайджанские мыслители о человеке. Баку, 1986. С. 138.). Румийшунос ўларок бутун жаҳонга танилган ва тасаввуфни ҳам чуқур билган Р.Никольсон эса пантеизмнинг ваҳдати вужуд билан тенглаштирилишини кескин инкор қилган (Каранг: Никольсон Р.А. Тасаввуфнинг маншай масаласи. Истанбул, 2004.140-бет).

Сал олдинроқ назар ташлаб айтиладиган бўлса, Гегелнинг "Фалсафа тарихи" китобидаги "восточные поэты преимущественно пантеисты, это их обычный способ рассмотрения вещей" деган фикрларидан кейин ҳеч суриштирмай Шарқ сўфий ва мутасаввиф шоирлари дунёқарашини пантеистик таълимотга нисбат бериш умумий удумга айланган. Бирок, пантеизм билан ваҳдати вужудни мувофиқлаштириб бўлмаслиги, пантеизмдаги "иттиходия" - Оллоҳ билан оламнинг қориштирилиши ислом ваҳдати вужудчилари учун ётлиги инобатга олинмаганидек, ваҳдати вужуд динийруҳоний бир тажриба маҳсули, пантеизм эса назариётчилик эканлиги ҳам назардан четга сурилган.

Шу ўринда "Тасаввуф таълимотини маҳсус ўрганиб, тасаввуф адабиёти даргалари ижодиётдан Гегель етарли даражада хабардор бўлганми?" деган табиий бир савол



тугилади.

"Калом фалсафаси" билан жухуд файласуфи Моисей Маймонид асарлари оркали танишганидек, тасаввуф билан ҳам Гегель ўзи яшаётган замонгача бўлган Гарб шаркшунослиги эришган натижа ва айрим таржималар воситасида бохабар бўлган, холос. Шунинг учун олмон файласуфининг умуман Шарк мумтоз шоирлари тўғрисидаги фикри ҳам, Мавлоно Румийни пантеизм томонидан улуглаши ҳам мустаҳкам ва ишончли асосга эга эмас эди. Чунки Гегелнинг "ҳеч иккиланмай Шаркнинг энг буюк мутасаввифини (Румий назарда тутилаётир - И.Х.) пантеист дея баҳолаши шошқалоқликдан бошқа бир нарса эмасди. Бу баҳо ҳар қанча ижобий ва мактовли кўринмасин, Мавлононинг Оллоҳ ва ваҳдатга доир тушунчасини тўғри ифодалолмайди. Зеро, Аннемария Шиммель тадқиқотларидан ҳам англашилганидек, Румий асло пантеист эмасди"(Ўзган С. Мавлоно ва Гёте. Истанбул, 2006. 47-бет).

Пантеистик фалсафага кўра, модда ва руҳ бир-биридан айри ҳамда мустақил бир борликка соҳиб бўлмасдан, барча борликларнинг ягона сабаби бўлган олий бир жавҳарнинг сифатлари ва кўринишларидир. Бу олий асос, шуур ва эркинликка эга эмас. У зарурий борликдир, унинг мажбурийлигини билиши, хурриятидир. Демак, у олий асос ёки жавҳар гайри шахсийдир, яъни шахсиятсиздир. Шунга кўра, Оллоҳнинг оламдан айри ва мустақил бир шахсияти йўқдир. Шу боисдан пантеизм шахсият тушунчаси ва эркинлигини қабул қилмайди (Каранг: Исмоил Ф.Э. Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. 73 - 90-бетлар; Сунар Ж. Ваҳдати шухуд ва ваҳдати вужуд масаласи. Анкара, 1960; Э рда м Х. Пантеизм ва ваҳдати вужуд муқоясаси. Анкара, 1990.). Хатто унда Тангрининг ўзига кизиқиши ва эътибори йўқдир. Ваҳдати вужудда эса бунинг тамоман тесқариси: Тангрининг шахсияти бор. У ҳамма нарсани кўради, эшитади, билади. Хисобга олади... Бошқа ҳаммаси четга сурилиб, худди мана шу фарқ инобатга олинганда ҳам, Навоийни пантеистлар сафига кўшиб бўлмаслиги қундай равшанлашади.

Иброҳим Хаккуловнинг

"Навоийга қайтиш" китобидан, 2-жилд